

ЎЗНОНСИ




Ушбу сонда:

2-3 ИЙМОН ҚАЛЪАСИ

3 ЮРАГИДА ЎТИ БОР ФЕРМЕР

ИСКОВОТЛИК

4 ВОЛЕЙБОЛЧИ ҚИЗЛАР
яна чемпион бўлишди



ИСТИҚЛОЛ ИНШООТЛАРИ

Пойтахтимиз кўчалари йил сайин кенгайиб, замонавий кўришни касб этмоқда. Айни кунларда «Халқлар дўстлиги» шох кўчаси ва «Фарҳод» кўчаси кесишган чорражада амалга оширилган бунёдкорлик ишлари қизгин тус олган. Бу ерда узунлиги

382 метр, эни 30 метр ва баландлиги 7 метр бўлган кўприк бунёд этилмоқда.

Улкан йўл иншоотини барпо этишда Тошкент шаҳар Махсус йўл қурилиш ва таъмирлаш «Автомагистрал» бирлашмасига қарашли бошқарма-

нинг 200 нафар мутахассис ишчилари жонбозлик кўрсатишмоқда. Бундан ташқари «Кўкун ЭЛУ», «Фаргона ЭЛУ» ва 13-кўприк қурилиш бўлими маси йўлсозлари ҳам мазкур бунёдкорлик ишига ўз ҳиссаларини қўшишмоқдалар. Қурилиш майдони-

да техникаларнинг ҳаракати бир дам тўхтамайди. 20 та оғир техника ва 30-40 та юк ташувчи машиналар қурилиш суръатини тезлаштирмоқда. Ҳозиргача бунёдкорлик ишларининг 70 фоизи амалга оширилган. Фидойи йўлсозлар янги кўприкни Мустақил-

лик кўни арафасида фойдаланишга топширишни ният қилишган.

Суратларда: Кўприк қурилишдан лавҳалар

Икром ҲАСАНОВ олган суратлар

Хабарлар

ОРОМГОҲДА ЯНГРАР МАДҲИЯ

«Муборакнефтваз» газ конлари унитар шўба корхонаси тасарруфидоги «Ёш алангачи» оромгоҳи Қайнар қишлоғининг сўлим, тоғли ҳудудида жойлашган. Бу масканда ҳар мавсумда 450 нафар болалар дам олдирилади. Ҳомийлар ва шифокорлар йили муносабати билан мубораклик 160 нафар маҳалла болалари ҳамда Китоб туманидаги Меҳрибонлик уйининг 120 нафар тарбияланувчилари ҳам хордик чиқаришди.

Жорий йилда мазкур болалар ёзги оромгоҳида катта ҳажмдаги қурилиш ишлари амалга оширилди. Шу жумладан, 100 ўринли ётоқхона, 250 ўринли ёзги ошхона, нон ишлаб чиқариш цехлари қайта қурилди. Оромгоҳ тиббиёт хонаси янги асбоб-ускуналар билан жиҳозланди. Уларда малакали шифокорлар хизмат қилишяпти.

Болалар ҳар тонгни Ўзбекистон Республикаси мадҳияси билан қарши олмақдалар. Бутун вужудни тўлқинлантирувчи мадҳия янграши билан тоғлар орасидан заррин кўёш нур соча бошлади. Ювниб-таранган болалар шўх мусиқа садолари остида арталабки ношушадан сўнг навбатдаги тадбирларни бажаришга киришадилар.

УСТОЗЛАРГА ЭҲТИРОМ

Бухоро вилоят халқ таълими бошқармаси ҳамда таълим ва фан ходимлари касаба уюшма кенгаши ташаббуси билан «Ўқитувчиларнинг 2-вилоят анжумани» ўтказилди. Ушбу тадбир 2005-2006 ўқув йилини сарҳисоб этиб, илгор иш тажрибаларини тарғиб этиш, муваффақиятларга эришган ўқитувчилар меҳнатини рағбатлантириш, педагог ходимларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, жамоатчилик онгида муаллимларга nisбатан ҳурмат ва эътиборни ошириш мақсадида ўтказилди. Унга катта муваффақиятларни қўлга киритган 920 нафар педагог ходимлар тақдир этилди. «Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси» кўрик-танлови республика босқичи қолиблари, «Умид ниҳоллари» ҳамда республика миқёсида ўтказилган спорт мусобақалари совридорларининг мураббийларига қимматбаҳо совғалар топширилди.

«УЧ КЎЗА» ҒОЛИБ

Андижон вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгаши вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармаси ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят бўлими билан ҳамкорликда оромгоҳларда дам олаётган болалар ўртасида «Фарзандлари соғлом юрт



— қудратли бўлур» спорт мусобақасининг финал ўйинларини ташкил этди. Ушбу тадбир энг замонавий, жаҳон андозлари талабига жавоб берадиган Олимпия заҳиралари спорт коллежи манежиде ўтказилди.

Финал ўйинларида 6 та оромгоҳ вакиллари иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритишди. Ҳар бир иштирокчи «Кўёш ови», «Эстафета», шашка ва узунликка сакраш мусобақаларида беллашди. Қизиқарли ва муросасиз ўтган мусобақада Пахтаобод туманидаги ҳўжаликлароз «Уч кўза», Балқич туманидаги Навоий номли йигирвўтўқув акциядорлик жамиятининг «Уч соҳил» ва Жалақдук туманидаги «Оқ бўлок» оромгоҳларининг жамоалари фахрли ўринларни қўлга киритишди.

Ўз мухбирларимиз

ТЎЙГА ТЎЁНА

Бундан 27 йил олдин қурилган Қашқадарё вилоят кардиология диспансерини мукамил таъмирлаш жамиятимиз жамоаси зиммасига юрлатилган эди. Қисқа муддатда 610 миллион сўмлик қурилиш ва ускуналаш ишлари бажарилиди.

Вилоят марказининг Отчопар маҳалласига келган киши кўюқ даракторлар орасида жойлашган уч қаватли қўрқам қошонага кўзи тушди. Тендер қиймати 800 миллион сўмлик 110 ўринли вилоят ихтисослаштирилган кардиология дис-

пансери қурилишида 300 дан ортқ бунёдкорлар кечаю кундуз самарали меҳнат қилдилар.

Ярим йил ичида замонавий услубда қайта таъмирланган, беморларнинг даволаниши учун барча қўлайликлар яратилган улкан иморат қад кўтарди. Бир ва икки кишилик хоналар ташкил этилди. Ичимлик суви таъминоти, электр, иситиш тизими мукамил таъмирланди. Хоналар замонавий меҳбеллар ва тиббий ускуналар билан жиҳозланди.

Одил БУРҲОНОВ,
«Сўғдиёна» масъулияти чекланган жамияти қурувчиси

Касаба уюшма ва талаба

Энг кекса ва йирик илм даргоҳларидан бири — Бобур номидаги Андижон Давлат университетининг бирлашган касаба уюшмаси фаолиятида ибратли ишлар қўл. Бу ердаги кўнагузи ва сиртки бўлиmlарда 8 минг нафардан ортқ талабага 400 нафардан зиёд профессор-ўқитувчи илм сирларини ўргатмоқда. Касаба уюшма кўмитаси талабалар ва ходимларнинг ўқиш, ишлаш ва яшаш шароитларини янада яхшилаш, кам таъминланганларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга асосий эътиборни қаратган.

Ўзбекистон Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг стипендиясини олишга сазовор бўлишди.

Талабаларнинг дам олиши, бўш вақтларини кўнгилли ўтказишлари ҳам касаба уюшма алоҳида гамхўрлик қилмоқда. Талабалар уйда маънавий-маърифий ўқув хоналари намунали безатилган. Ҳафтада 2

300 ўринли янги замонавий марказий ошхона ва қатор овқатланиш шохбачалари профессор-ўқитувчилар ҳамда талабаларга сифатли хизмат кўрсатмоқда. Университет хузурида замонавий асбоб-ускуналар билан таъминланган санаторий-профилакторий ишлаб турибди. Унда 17 хил муолажа хоналари мавжуд. Тиббий ёрдамга муҳтож талабалар йўлланманинг 15 фоизини тўлаб, соғлиқларини тиклашмоқда. Ногирон, кам таъминланганларга эса бепул йўлланмалар берилди.

Бизни маъмурият ҳам қўллаб-қувватлаб келмоқда, — дейди бирлашган касаба уюшма кўмитаси раиси Абдуҳаким Ҳакимов. — Чўнки моддий имкониятларимиз чекланган. Шу сабабли ректорат жорий ўқув

ЖАМОА ЖОНКУЯРЛАРИ

йилида сикхатоҳ ҳисоб рақамига ногирон ва кам таъминланган талабаларни бепул овқатланиши, даволаниши учун 550 минг сўм ўтказиб берди. 80 нафар талаба профилакторийда бепул даволанди. Шунингдек, 54 нафар кам таъминланган ва ногирон талабалар ҳам 15 кунлик бепул йўлланма олдилар. Бундан ташқари, 16 нафар талаба, 14 нафар ишчи-ходимга моддий ёрдам кўрсатилди. Шу мақсадларга уюшма жорий йилнинг ўзида 250 минг сўмдан ортқ маблаг сарфлади. Университетнинг 3 нафар талабаси

маротаба дискотека ўйинлари ташкил этилади.

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг университет бўлими билан ҳамкорликда «Заковат» клуби ташкил қилинди, машғулотлар талабаларда катта қизиқтиш уйғотмоқда. Шунингдек, «Кадрдон манзил», «Унутилмас яллар» мавзусида ўтказилган кўрик-танловлар ҳам қизиқарли бўлди. Бундан ташқари, тикуччилик, компьютер, спорт тўғрисидаги таъкилотлар ташкил этилган.

Н.УЛУҒҲОНОВ,
Андижон вилояти

Қарор ва ижро

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 15 январдаги «Спирт ва алкоғолли маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва сотиш устидан давлат назоратини кўчатиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги қарори ижросини таъминлаш юзасидан Давлат солиқ хизмати органлари муайян ишларни амалга оширмоқдалар. Бу йўналишда ҳуқуқни муҳофаза этувчи ва назорат органлари билан ҳамкорлик яхши самаралар бермоқда.

Қарор ижросини таъминлаш юзасидан ўтган давр мубайнида Давлат солиқ хизмати органлари томонидан акциз марказиз

сервис» хусусий фирмасига қарашли савдо шохбачасида ўтказилган қисқа муддатли текширишда савдодан тушган 12,2 минг сўм НКМ хо-

корхоналарда ишлаб чиқарилган 39 турдаги 1180 минг сўмлик 640 шиша спиртли ичимликлар ноқонуний сақланаётганлиги аниқланиб, улар далилий ашё сифатида олинди.

Ўтказилган тадбирлар давомида спиртли ичимликлар ишлаб чиқариш билан шуғулланаётган 28 та яширин цех фаолиятига чек қўйилиб, сотиш учун тайёрлаб қўйилган 1162 литр қўлбола спиртли ичимлик-

ЗАРҲАЛ ЁРЛИҚЛИ МАҲСУЛОТ ҚОНУНИЙМИ?

алкоғолли ичимликларни сотиш ҳамда ишлаб чиқариш ҳолатларини бартараф этишга қаратилган 1801 та текшириш ва рейд ўтказилди. 867 ҳолатда спиртли ичимликларни ноқонуний муомалага чиқариш ҳолатлари аниқланиб, жами 146084 литр (249,1 миллион сўмлик) спирт ва спиртли ичимликлар олиб қўйилди. Шундан 11665 литри (13,2 миллион сўмлик) акциз марказиз спиртли ичимликлар ва 3745 литри эса (6,8 миллион сўмлик) спирт маҳсулотидир.

Яқнда Тошкент вилоятининг Бекобод туманида ўтказилган текширишда «Авангард» фермерлар уюшмаси ҳудудида яшовчи фуқаро А.Аширқулов ўз хонадонидан ҳеч қандай ҳужжатсиз, сифат сертификатлари мавжуд бўлмаган, хорижда ишлаб чиқарилган 7740 литр этил спиртининг ноқонуний сақланганлиги аниқланди. Ушбу ҳолат бўйича Бекобод туман прокуратураси томонидан фуқаро А.Аширқуловга nisбатан Жиноят кодексининг 186-прим моддаси билан жиноят иши қўзғатилиб, ҳозирда тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Афсуски, бундай ҳолатлар ягона эмас. Марғилон шаҳридаги «Долина водка

тирасига кирим қилинмаганлиги ва кирим ҳужжатлари бўлмаган 24 турдаги 6716 шиша (4585,5 минг сўмлик) спиртли ичимликлар мавжудлиги аниқланиб, улар ашёвий далил сифатида олинди. Ушбу ҳолат бўйича текшириш ҳужжатлари қонуний чора қўриш учун ҳуқуқни муҳофаза этувчи органларга юборилди.

Шунингдек, Навоий шаҳар «Жебатчи» савдо маркази ёнида жойлашган дўконда ҳам шунга ўхшаш ҳолат аниқланди. Бу ерда фуқаро А.Абдураҳмонов давлат рўйхатидан ўтмасдан ноқонуний равишда 705 минг сўмлик 721 шиша спиртли ичимликни сотаётган пайтида зарҳал ёрлиқли «заҳри қотил» савдоси тўхтатилди. Ноқонуний маҳсулот ашёвий далил сифатида олинди, расмийлаштирилган ҳужжатлар қонуний чора қўриш учун Навоий шаҳар прокуратураси хузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятлар ва жиноий даромадларнинг легаллаштирилишига қарши курашиш бошқармасига юборилди. Ҳозирда суриштирув ишлари олиб борилмоқда.

Наманган шаҳар «Сардоба» бозори ҳудудида жойлашган «Шаҳнозобону сервис» хусусий фирмасига қарашли дўконда ўтказилган текширишда ҳам кирим ҳужжатлари бўлмаган, маҳаллий

лар, 370 литр спирт маҳсулоти, 5791 дона қўпоқ, 6917 дона қалбаки акциз марказлар ҳамда қўлбола спиртли ичимликлар тайёрлашда қўлланиладиган воситалар далилий ашё сифатида олинди мусодара қилинди. Тадбиркорликнинг тақиқланган турлари билан шуғулланаётган фуқаролар тегишли жазоларини олмоқдалар. Давлат солиқ хизмати органлари томонидан ўтказилган текширишларда аниқланган ҳуқуқбузарлик ҳолатлари бўйича 11 нафар фуқарога nisбатан 451 минг сўм, суд органлари томонидан 185 нафар шахсга nisбатан 4466 минг сўм маъмурий жарима чораси қўлланилди. 417 та текшириш ҳужжатлари эса ҳуқуқни муҳофаза этувчи органларга юборилди. 215 ҳолат бўйича жиноий иш қўзғатилди.

Давлат солиқ хизмати органлари томонидан қарор ижросини таъминлашга қаратилган назорат тадбирлари давом эттирилмоқда.

Бобур НОДИРҲОНОВ,
Давлат солиқ кўмитаси жисмоний шахслар томонидан солиқ тўғрисидаги қонунлар бажарилишини назорат қилиш бош бошқармаси бошлиғи

КАСАБА УЮШМАЛАРИ МУСТАҚИМЛИКНИНГА ЎН БЕШИНЧИ ЙИЛИДА



Олот туманидаги «Асп тўкс» маъсулияти чекланган жамияти асосан буюртмачилар учун ип-калава ишлаб чиқаради. Яқинда ишга тушган ушбу корхонада 98 та иш ўрни яратилиб, маҳаллий йигит-қизлар ишли бўлишди. Меҳнатқашларнинг самарали ишлашлари учун бу ерда барча шарт-шароитлар яратилган.

Суратда: йигирвўчи Гўзал Ражабова
Иzzатилла ҲОЖИЕВ олган сурат

МАҚСАДИМИЗ — ВАТАН РАВНАҚИ ХАЛҚ ФАРОВОНЛИГИНИ ЯНАДА ЮКСАЛТИРИШ

Азалдан маънавият-маърифат кўприғи сифатида Шарқу Фарбни боғлаган Бухорои шариф қиёфаси мустақиллик йилларида тубдан ўзгарди: баҳаво боғлар, сўлим оромгоҳлар, замонавий шифо масканлари, академик лицей ва касб-хўнар коллежлари бунёд этилди. Қадимий обидалар таъмирланиб, нафис жилвалари билан барчани хайратга солимоқда. Айниқса, ЮНЕСКО қарори билан Бухоронинг 2500 йиллик тўйи, улўғ тарикат пирлари — Ҳожа Абдуҳалиқ Ғиждувоний, Баҳроуддин Нақшбанд юбилейларининг халқаро миқёсда нишонланиши халқ ҳаётида ёрқин из қолдирди. Элни руҳлантирган бундай улўғ ишлар баробарида меҳнат кишиши ҳақида гамхўрлик, унинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий манфаатларини ҳимоялаш, саломатлиги, оиласи, фарзандлари камоли учун гамхўрлик қилиш, аҳолининг кам таъминланган, ёрдамга муҳтож қисмига моддий ёрдам кўрсатиш, шунингдек, қишлоқ ахлини қўллаб-қувватлаш, кичик бизнес ва фермер ҳўжаликларни ривожига ҳам кенг йўл очилди. Бунда вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгашининг ҳам хизмати борлигини мамнуният билан таъкидлайман. Қолаверса, Президентимиз эътироф этганларидек, республика раҳбариятининг ҳам, касаба уюшмаларининг ҳам мақсади битта — янги ўзгаришларга ўтиш даврида аҳолини ижтимоий жиҳатдан пухта муҳофазалаш, барча соҳалардаги ислохотларни чуқурлаштириш орқали халқ фаровонлигини таъминлашдир.

Газетамизнинг 2-3 бетлари Бухоро вилояти касаба уюшмаларининг фаолиятига бағишланади

МУСТАҚИЛЛИК ҚАҲРАМОНЛАРИ ЎН БЕШИНЧИ ЙИЛИДА

лан машҳур бўлган. Унинг ўн икки дарвозаси ҳақида ажиб ривоятлар, ҳатто шу номда роман битилган. Таърихий ҳужжатларда Бухорода 11 та дарвоза борлиги айтилади. Ўн иккинчи эса меҳмоннавоз халқнинг ҳаммаса очик "кўнгиш дарвозаси" бўлган. Ана шу дарвозадан чин ихлос билан ўтганларга Бухоро илм хазинасини очган, тафаккурдан баҳраманд этган.

Емон ният билан дарво- за хатлаганлар таъқи лъ- натга учраган. Бунга тарих

шоҳид, халқ гувоҳ. Истиқлол даврида Бухоро дарвозалари яна кўпайди. Тошкент-Бухоро йўналишидаги дарвозани маҳаллий аҳоли "Нур дарво-заси" деб атаган экан. Ра- мий маънода ҳамма бу-хороликлар қалбидек очик. Ана шу очик дарвозадан ёруғ ният билан Бухоро-нинг бугуни, эртаси ва ке- лажаги ҳақида мақола ёзиш учун қадам қўйдик.

ПРЕЗИДЕНТ ЙЎЛИ
Сўнги ўн йилда Бухорода ана шундай атама

пайдо бўлди. Авваллари ҳам шаҳарнинг йўли ва кўчалари халқ ном бериб "Бухоронинг жин кўчалари" деб аташган. Бу ном ёрлик мисол узок вақт ша- ҳар номига осиб қўйилди, ҳатто адабиётга ҳам кир- ди.

Тарозининг икки палла- си ёхуд кўзуда акс этган киёфдек инкор этиб бўлмас эътироф ва ҳақиқат эди бу.

Бугун Бухоро аэропор- тидан то Марказгача ва Ба- ҳроудин Нақшбанд зиёрат- гоҳларигача элтучи йўл

ўнга бурилиб қадимий Арк, Минораи Калон, Масжиди Калон ёдгорлик мажмуи- га чиқасиз. Бу йўлни Баҳоуд- дин Нақшбанд кўчасига бо- глайдиган кўча Абдуҳолик Фиждувоний номи билан аталади. Уларга боқиб шо- ирининг куйидаги сатрлари ёдга келади:

Бу йўллар тараттай ўзбеки- шонин,
Неча манзилларга маъшай ёққайдир.

Бу йўллар... Айланиб ҳали дунёнинг Чаккаси гуллар таққайдир.

ичимлик суви билан таъ- минлаш билан бирга ша- ҳар иқлимини мўътадил сақлаш, тарихий обида- ларни шўрланшдан ас- рашга хизмат қилган. Аҳамиятлиси, бу ерда одамлар мириқиб дам ол- ган, турли йилги ва та- дбирларда иштирок этган. Айниқса, шаҳарнинг мар- казида жойлашган Лаби ҳовуз бу борада кўпчилик- ка манзур бўлган. Маҳал- лий аҳоли тилида Лаби ҳовуз номини олган сув иншооти Бухоро амيري- нинг девонхонаси мудир Нодирдевонобег томони- дан 1622-1624 йилларда қурдирилган. Бухоро ху- снига хусн қўшган бу ҳовуз атрофида Кўқалдош ма- драсаси, Нодирдевонобег хонақоси қад ростлаган. Қадим-қадимдан бу мўъ- табар маскан шаҳарнинг кўзуси ҳисобланиб, унда Бухоронинг қалби акс эт- ган.

Мустақил тузум даври- да, айниқса, 50-йилларда Ҳовуз суви куририлган, унинг зиналари томоша- билар учун ўриндик, ту- би эса волейбол май- донига айлантирилди. 60- йилларга келиб жамоатчи- лик талаби билан Ҳовуз- га яна сув қуйилса-да, эътибордан четда қолди- рилди. Истиқлол Бухоро- нинг нураган тарихий ёд- горликларига қайта чирой бағишлагандек, Лаби ҳовуз ҳам таъмирланди. Яна Ҳовуз бағри сувга тўлди, Лаби ҳовуз маъри- фий гурунлар билан қай- та зийнатланди. Шоирлар мушоираси, созандалар хонишига тўлди. Лаби ҳовуз бўйларига туриб бу- гал шунга иқдор бўлди- ки, эзгулик, маърифат ва истиқлол мангу ҳукм сур- ган элда яхшилик яши- ликни қувватлантириб яшайди. Бу ҳақиқат Мус- тақиллик даврида чирой очган Бухоро жамолида, Лаби ҳовуз гурунларида ўз аксини топмақда.

да бугун ҳам асл деҳқонлар яшаб, меҳнат қилишади. Уларнинг ўзларидек содда, самимий фалсафалари бор.

Бизни фермер ҳўжалиги раҳбари Субҳон Фаниев, "Нуроний" жағрамасининг вилоят бўлими бошлиғи Юсуф Курбонов ва "Анги хаёт" кишлоқ фуқаролар йиғини фермер ҳўжалиқари бирлашган қасаба уош- ма кўмитаси раиси Ҳайитгул Авезова қаршилади.

Туладан келган, кўзлари- да қатъият, ўзидан ўзига ишонч ифодаси ёғилиб тур- ган фермер йиғитни бир қарашда таниймиш. Прези- дент эътиборига тушган фермерни бугун ҳамма та- ниши табиий ҳол. Юртбо- шимиз Бухорога ташрифининг эртаси кунининг да- ласида, бир томони пахта- зор, иккинчи тарафи ҳўси- ли пишиб етилган бўдо- зорга туташ йўл бўйида фермерлар, оддий деҳқон аёллар билан учради. Уч- рашув тарфили "Ўзбеки- стон" телеканали орқали на- мойиш этилди. Турри, авва- лига мезонлар бироз ҳаяжонланган сезилиб тур- ди. Юртбошимиз ана шу ҳолни сезиб, мулоқотни жонлантириш учун фермер- лар ортидаги раҳбарларга ишора қилиб деди:

— Қаранлар, илгари бун- дай пайтда раҳбарлар ол- динда, деҳқонлар эса орт- да туришарди. Ҳозир эса ак- синча. Бунинг раъсий маъ- носиси бор. Бугун фермер - ер эгасига эътибор катта, ишонч катта.

Фермер Субҳон Фаниев ўзини ҳам телевизор орқали кўрган бу воқеаларни ҳаяжон билан сўзлаб бера- ди:

— Президентимизнинг самимиети мени лол қол- дирди. Айниқса, мана буг-

бўлаги бўлган оила ҳам ўзи- га хос ватан. Ана шу ватан обод бўлсагина, мамлакат қудратли, ёшлар баркамол бўлади.

Ҳақиқатан бу йил "Фани Пулат" фермер ҳўжалиги аъзоларига омад қилиб боқ- ди. 25 гектар галлазордан 64 центнердан ҳосил кўта- рилди. 16,2 гектар пахтазор- да ҳам барака иншоқда. Хар тул гўзада шода-шода ҳосил йиғилган. Уларга боқиб:


— Кўз тегмасин, - деди ҳамроҳимиз, "Анги хаёт" ма- халла фуқаролар йиғини ра- иси Бахтиёр Шарипов.

— Нимага? - дейди бе- иктиёр фермер.

— Мустақилликнинг ана шундай қулнирга, меҳнат- дан келган баракага, кишлоқ меҳнатқошига кўрсати- лган эъзозга.

Еш оқоқолнинг сўзи барчага бирдек маъқул

КАЛЪАСИ



равон, қафтдек текис. Йўл четидида анвойи гуллар кўнгила жаннат насимла- рини олиб киради, дид бил- ан қурилган йўллар ёқалаб амалга оширилган ободонлаштириш ишлари кишини хайратга солади. Баҳоуддин Нақшбанд кўча- си орқали Марказий ва Жа- нубий қисмини боғловчи бу йўлни бухорликлар "Пре- зидент йўли" деб аташган. Халқнинг одати шундай, тилининг учиде турган, юрағидида сўзи яширмай, шартта айтади-қўяди. Халқ тан олган хар ишда эса адо- лат муҳри босилган савоб ёзилган бўлади.

"Президент йўли"нинг хар икки томонида қатнов йўлга қўйилган. Шоҳқўча ўртасида арча ва тут дарахтлари ўтқа- зилган, бежирим йўлақлар чиқарилган Чорбакир кана- ли устига улкан кўприк бар- по этилибди. "Газли" шоҳ- қўчасидан Марказга элтади- ган йўлнинг ўнг томонида сунъий кўл, Мирзо Улуғбек номидидаги истироҳат боғи. Шимолий мавзедидида йўлдан кўркам аҳоли турар жойла- ри бошланади. Улар болал- ар боғи, "Хотира хиёбони"- га улашиб кетган. Йўлдан

ЛАБИ ҲОВУЗДА ЧОЙ ИЧГАНМИСИЗ?

Бошқаларни билмадим, хар гал Лаби ҳовузга борганимда гўё Бухоронинг қалбини кўргандек, руҳини хис қилгандек бўламан. Ёз- нинг ҳазирама иссиғида ҳам бу ерда енгил шабада эсиб туради. Лаби ҳову- знинг зангор суви ана шу эпкинда тўлқинлаб тура- ди. Унга қараганинг сайин кўнглингда ҳам ана шундай тўлқинлар халқа ташлайди, мудроқ туйғуларни гўё ювиб тозалайди.

Шу бозис бу ердан одам- ларнинг қадами узилмайди. Шоирлар мушоирасига кўр ташлайди. Лаби ҳовуз гу- рунлари ёшлар юрағига нур бўлиб киради. Лаби ҳовуз сувида акс этган аф- сонавий осори-атиқалар- нинг сеҳри қайқалиб тури- ши. Хуллас ким бўлманг, Лаби ҳовуз бўйларидидаги оромбахш онлар руҳингиз- ни аллалайди, мозиёдан хижолат айтади.

Хўш, одамларга ором ба- гишловчи Лаби ҳовуз қачон барпо этилган. Тарихчилар- нинг эътирофи этишларича, қадим Бухорода 100 дан ортик, атрофида эса 250 га яқин ҳовуз бўлган. Улар асо- сий сув манбаи ҳисоблан- ган. Ҳовулар аҳолини тоза

Мен фермер ҳўжалигимизда- ги ишларимиз қатори ҳажга бориб келган нуруний она- минг иқдорларигача сўзлаб бердим. Президентимиз ёл- камга уриб қўйдилар. Гўё менга бу билан кўч берган- дай бўлдилар. Шундан бери юрағимда бир ўт аланга ол- ган. Ишлаб чарчамайман.

Субҳон Фаниев сўзини узоқ йиллар вилоят атросаноат мажмуи ходимлари қасаба уошма кенгашином бошқар- ган, айна кунда нурунийлар сардори Юсуф Курбонов да- вом эттирдилар.

— Президенти мизимиз кўнглига солган хар бир иш жуда тез битади. Қарға бор- са, шу ерда ривожланиш, юк- салиш бўлади. Ишонмасан- гиз, мана шу пайкаларга ки- риб кўринг. Ўзингиз гувоҳ бўласиз. Нега шундай? Чеч ўйлаб кўрганмисиз?

Юсуф ака ўзи савол бе- риб жавобини ҳам айтади.

— Нақшбандийдаги "Боти- нан Ҳақ билан, зоҳиран Ҳақ билан бўлмоқ" Юртбошимиз дастуриламалларида яшаётти, амал қилаятти. Буни қалб- ан ҳис қилмоқ учун вилоятимиз- да кечаятган ўзғаришлар, қурилишлар, тарихий обида- ларнинг таъмирланиши, зиё- ратгоҳларнинг ободонлашти- рилиши борасидида ташаббус- ларини эслаш жоиз. Қолавер- са, мамлакатда амалга оши- рилаётган ислохотлар моҳия- тини англаш, уларга сарфла- наётган маблағ, вақт, ташаб- бус ва иқро ҳақида кенгроқ мушоҳада юришти керак.

— Турри айтдингиз, - дей- ди С. Фаниев. — Туғилиб усган кишлоғинг, яшаётган туман, шаҳринг ҳақида қайғуриб, халқ ташвишини чекаётган, огирини енгил қилишга бел боғлаган йўлбошчининг ма- дадини сезганимда кўнглинг тоғдек сунъиқча эга бўлар экан. Чунки Ватанинг бир

ЮРАГИДА ЎТИ БОР ФЕРМЕР

Юртбошимиз фер- мерлар эътиборини бир нарсага қаратдилар. - суҳ- батни давом эттирдилар С. Фа- ниев. - Фермер мўл ҳосил етиштириши билан бирга замонавий билимларга эга, тежамкор бўлиши, ҳам маб- лға сарфлаб, кўп даромад ва фойда олишга интилиши, бунинг учун у нафақат ўр- нинг тилини биладиган деҳ- қон, айна пайтда иқтисодчи ҳам бўлиши зарурлигини алоҳида таъкидладилар. Иш фаолиятимизда шунга амал қилаямиз. Фермер ҳўжали- гимизда асосан ака-ука қариндошлар ишлаймиз. Га- пимиз бир жойдан чиқади, ҳамжihatимиз. Даромадимиз- га келсак, галладан кўнгли- миз ҳам, уйимиз ҳам тўлди. Чигитни замонавий усулда, қисқа фурсатда, бунинг ус- тига уйлаб экан эдик. Яга- налашга ҳожат қолмади. Ав- валлари бу ишга қанча ишчи кучи ва маблағ кетарди. Ай- ниқса, хотин-қизларнинг икки бўқилиб гўзани яғна- лар, қанча қўнлардилар.

"Анги хаёт"даги 68 фер- мерга яғналашга туланиди- ган пули бу йил ёнига қол- ди. Яна бир янглик. Гўза- ларни бағри орқали озик- лантиряймиз. Тажриба си- фатида 3 гектар ерда эски- ча усулда ишлов бераямиз. Қолган далаларда ўғит эри- тма ҳолида гўза баргларга ус- тига сеппилайти. Натижа кў- танимиздан ҳам аъло.

Замон билан ҳамқадам одимлаётган фермернинг сўзларини тинглаб, ўйла- ман. Агар Субҳон Фаниевдек ёш, ташаббускор, билимдон фермерлар кўпайса, юрти- миз иқтисодий салоҳияти янада ривожланган бўларди. Ана шундай ёруғ орзулар билан сафардан қайтамиз.

А.НАБИЕВА

Энгида оппоқ халат ярашиб тур- ган, чехралари очик, нигоҳлари ўқтам, ибони, мулойим, дилқаш ши- фокорлар, ҳамширалар санаторий шўратига шўрат қўшмоқдалар. Аб- дурусул Ҳайитов, Ҳайитгул Курбо- нова, Насиба Азимова, Шукрур- рўзиева, Рухсат Адизова, Ҳикмат Са- фоев сингари кўлаб саломатлик посбонлари "Ситораи Моҳи Хоса" ифтихорига, дам олувчилар ҳурма- ти ишончига сазовор бўлишган, уларнинг ўз касбига эътиқоди ба- ланд, одамларга меҳри беқиёс. Из- ҳор этилаётган бегубор тилақлар, сон-саноксиз миннатдорчилик мак-

Хориж билан ҳамкорлик

Биз маърифат ахлининг юрағимиз тула яхши- лик. Кўзларимиз тула умид. Йўлимиз эзгуликка туташ. Насиб этса биз тарбиялаган, қалбига илм нурини олиб қирган шоғирдларимиз эртаси она юртимизга қалкон, халқимизга мададкор бўлади.

Франциянинг мамлақати- миздаги элчихонаси томо- нидан франкофония бўйи- ча ўтказилган танловда би- лим маскани вақиллари му- ваффақиятли катнашдилар. 25 ёшгача бўлган ёшлар ўртасида ўтказилган бу тан- ловда мактаб-интернат ўқитувчиси Шавкат Бафоев гран при соҳиб бўлди. У Парижда бир ой давомиде малака ошириш ҳуқуқини кўлга киритди. Мактаб-ин- тернат ўқувчилари Зебини- со Рўзиева, Нигора Амоно-

стондаги элчихонаси кўмаги ва кўлаб-қувватлаши билан ўзбек мактабларининг 6-9 синф ўқувчиларига мўлжал- ланган дарслик, машқлар ки- тоби ва ўқитувчилар учун ёр- дам китоби яратилди.

Мамлакатимизда турли йилларда фаолият кўрсатган франциялик элчиларнинг бар-

ИЛМ — ЎЗЛИКНИ АНГЛАШДИР



часи мактаб-интернатимизда бўлиб, билан даргоҳи ўқув жараёни билан яқиндан та- нишган. Бу масканга «Фран- циянинг Ўзбекистондаги француз мактаби» дея таъриф беришгани ҳам беҳиз эмас.

Элчихона томонидан жорий ўқув йилида мактаб-интерна- тига 5 миллион сўмлик ўқув методик адабиётлар олиб бе- рилди. Мактаб-интернат би- лан Франциянинг «Перро» компанияси ўртасида шарт- номга тузилгани ҳам диққатга сазовор. Шунга кўра, мазкур компания билан даргоҳини 1,5 миллион АҚШ доллари миқдоридида фан кабинетла- ри жиҳозлари билан таъмин- лайди.

Жанубий Париж универ- ситети билан ҳам ҳамкор- лик йўлга қўйилди. Хориж- лик ҳамкорлар 1 миллион сўмлик дарсликлар жўна- тилгани ҳам шу ҳамкорлик натижасидир.

Мактаб-интернатимиз Швейцариянинг Ўзбекистон- даги элчихонаси билан ҳам- корлигини йўлга қўйди. Нати- жадда Женевадаги олий ўқув юртилариде ўқитувчилар- нинг малака ошириб қай- тишлари таъминланди.

Бугун биз маорифчилар нимага эришган бўлсак, мамлакатимизда ҳукм сур- аётган одил сийёсат, таълим- га эътибор, ёшларга гамхўрлик туйғайдилар.

Сайиджон РАҲМОНОВ,
Ғиждувон туманидаги
62-ихтисослашган
мактаб-интернат
директори

ЭЗГУЛИККА ҚЎШИЛГАН ҲИССА

Бухоро туманидаги Новитан қишлоғида икки қаватли бино ишга туширилиб, озиқ-овқат дўқони, маъший хизмат, кутуб- хона аҳолига хизмат кўрсата бошлади.

Курилиш ишларини тадбиркор Қаҳрамон Сайфуллаев ўз маблағи ҳисобидан амалга оширди. Тадбиркор жорий йилда чойхона қурилишига ҳам ҳисса қўшиш ниятида.

Шаҳардан 4 километр шимолда, Ғиждувонга бориладиган йўл ёқасида мангитлар сулоласининг саройи, энг сўнгги амир қарор- гоҳи — "Ситораи Моҳи Хоса" жойлашган. Бу архитектура ёдгор- лиги ҳудудига "Ситораи Моҳи Хоса" санаторийси фаолият юр- таяпти. Мазкур масканга зукко, қамтарин инсон, моҳир шифокор, истеъдодли, тиниб-тинчимас раҳбар, бухорликлар фахр-ифтихо- ри Абдулла ака Ҳакимов раҳбарлик қилади.

Яхши биласиз, буйрак, бел со- ҳақиқат, азал-азалдан саломатлик- нинг баҳоси ҳеч қачон пайсамган. Чунки соғлиқ йўл жойда на роҳат- фароғат ва на ҳаловат бор. Ҳаётдан лаззатланишга, унинг қадрига етиш- га, баҳра олишга қодланган инсон- лар учун санаторийда барча шаро- итлар мўътадил этилган.

Маъданли сув, парафин озокерит шиқоли балчик, турли усулдаги

уқалаш, физиотерапевтик, шифо- бахш ўтлар билан даволаш, жисмо- ний бадантарбия муолажалари юк- сак савияда, рисоладагидек меҳр бил- ан олиб борилади. Маскан нафақат буйрак, балки ошқозон-ичак, танч- системаси органлари, бепуштлиқ, гипертония, қандли диабет касал- ликларини даволашга ҳам ихтисос- лашган.

Санаторийнинг ташқи ва ички кўрinishи кишига олам-олам заъв бағишлайди. Баҳорда оппоқ либос- қа бурканган мевали дарахтлар ажиб манзара кашф этади. Ёзда мевалар фарқ пилшганда, ишқомларда узум- лар шира торганда, ранго-ранг, тур- фа хил гуллар очилиб, хушбўйлик таратиб, чиройини кўз-кўз қилган- да диллар жўнбўшга келади. Бу мас- каннинг ҳавосидан симириб-сими- риб тўймайсиз. Худди жаннат, роҳатбахш гўшага тушиб қолгандай ҳис қиласиз ўзингизни. Тасвирла- ётганларимиз, таърифларимиз мубо- лаға эмас, айна ҳақиқат.

Санаторийнинг барча қаватлари дид билан безатилган. Оёқ остида ял-ял ёниб турган гиламлар, девор- лардаги ойнаванд гач ўймакорли- ги, катта тувақлардаги гуллар, юм- шоқ диван, қреслолар хуш кайфият бағишлаб, киши руҳини кўтарди.

Орамиздаги одамлар

Энгида оппоқ халат ярашиб тур- ган, чехралари очик, нигоҳлари ўқтам, ибони, мулойим, дилқаш ши- фокорлар, ҳамширалар санаторий шўратига шўрат қўшмоқдалар. Аб- дурусул Ҳайитов, Ҳайитгул Курбо- нова, Насиба Азимова, Шукрур- рўзиева, Рухсат Адизова, Ҳикмат Са- фоев сингари кўлаб саломатлик посбонлари "Ситораи Моҳи Хоса" ифтихорига, дам олувчилар ҳурма- ти ишончига сазовор бўлишган, уларнинг ўз касбига эътиқоди ба- ланд, одамларга меҳри беқиёс. Из- ҳор этилаётган бегубор тилақлар, сон-саноксиз миннатдорчилик мак-

башқаларни қадрлаш ўзини қадр- лашга олиб келади, дёр эдилар раҳматли акам Абдумалик Ҳакимов, — ҳикоя қилади Абдулла ака. — Ўзининг ҳузур-халоватини йўлаб, биронинг ҳаловатини ўғирлаш адо- латдан эмас. Шиқокорлик касби жазоратни, фидойиликни, қалб ва фикр соғлигини қўлаб қилади. Яна бир ақидага амал қиламан. Сукрот зўр гап айтган: "Қалбни даволамай туриб, танани даволаб бўлмайди". Санаторийимизда қелаётган давола- нувчилар ҳамдўстлик мамлакатларидан бўладики, республикамиз ша- ҳару кишлоқлариданики, вилоятимиз туманлариданики, улар билан суҳ- батлашиб гурунлашимиз, ҳазил- мутобино яхши кўраман. Қалбига йўл топишга ҳаракат қиламан. Худ- ди шу таомилга риоя этишни ҳам- касбларимдан ҳам талаб қиламан.

Абдулла аканинг маънавий ола- ми кенг, ҳофизаси баяланд. У олим билан доноларга хос, деҳқон бил- лан деҳқончасига, шиқокор билан дўхтур сифатида, қаламқаш билан ҳаётни кўрган, тананг, билган ин- сондай, санъаткор билан оддий иш- навандайдиг, муаллим билан тарбия кўрган тарбиячидида галлаша ола- ди. Баъзан ўзи ҳам қўллага қалам олиб, қалб тугўнларини оқ қозоғга тўқайди. Дардларини нозик сатрлар- да ифода этади. Кўпчича ўтли, зав- қли суҳбатлар ниҳонсиде теша төв- маган сўз айтиш қудрати ҳам бор. "Тетик, бақувват одам табиятининг энг буюқ асаридир" таърифини Аб- дулла ака бот-бот келтиради. Бу сўзининг мағзини бир қақиб кўринг.

Дарвоқе, яна бир ҳақиқат бор. Илоҳи борича одамларга бахт инъо- мот этган киши энг бахтиёр киши, дейдилар. Бу каломни англаганлар орасида шарқ дурдонаси — Бухоро- нинг беназир, пок, тўғрисиўз, мўмин фарзанди Абдулла Ҳакимов ҳам бор. Ўз йўлини топиш, ўз ўрни- ни билиш, шавқини пок сақлаш, камтарлиқни улугуш, халқ зиммат- ига вобаста, камарбаста бўлиш, охир-оқибат ўзлигини тананг у ки- шининг жайдари фалсафасидир.

Валижон ЮСУПОВ,
Ўзбекистон Журналистлар
уюшмаси аъзоси

Кўпинча жиддий юридиган вилоят маданият ва спорт ишлар бошқармаси бошлиги Шокиржон Қорабевни озги тўла кўлги билан учратиб қолдим ва беихтиёр кизиқиб, сабабини сўрадим.

— Хабарингиз бўлмади-ми, аяхон, — деди ўша кайфиятда кўл олишиб кўришарканмиз. — Исковотлик волейболчи қизларимиз яна мамлакат чемпиони бўлишди. Вилоят ҳокимлигига шу масала бўйича батафсил ахборот сўраб чакиртиришган экан, кириб чиқяман.

Табиийки, эришилган муваффақият билан табриқладим.

— Ҳақиқатан ҳамма ўз ишини қилиши керак, — деди Шокиржон билан хайрлашиб йўлда давом этарканмиз шеригим. — Шокиржон ҳақиқий спортчи, соҳасини яхши тушунади, ёшлигида «Пахтакор»да ҳам тўп сурган. Бошқармага бошлиқ бўлганидан бери вилоят бу борада мамлакатда олдинчилар қаторида.

Шокиржон Қорабев номини фахрлилик тилга олган волейболчи қизлар гуруҳини мен ҳам яхши биланам ва бир неча йил илгари бу ҳақда ёзганман. Одатда биз журналистлар ўзимиз мақоламизда мақтовини келтирган кишилар ҳақида кейинчалик ҳам ижобий гап эшитсак, фахрлилик юрагимиз. Демак, мавзунини тўғри танлаган эканман, қаҳрамонларимни билиб топган эканман, дея қарилди кўямиз. Бугун ҳам шундай ҳолатни бошдан ўтказгандай бўлдим. Бошқарма бошлиги мақтовини келтирган волейболчи қизлар гуруҳига ўзлари яшаб турган қишлоқларининг номи қўйилган. «Исковот» деб аталган бу қишлоқ вилоят маркази Намангандан қирқ чакирим олинса, шундоқ Унгор, Почча ота, сал нарида эса даво-

сидаги беллашувларда эришган муваффақиятлари билан ном қозонди. Улардан 2 нафари республика терма жамоаси аъзоллигига қабул қилиниб, халқаро миқёсдаги мусобақаларда иштирок этишди. Юлдуз Нейматова, Гулбаҳор Солиева, Муҳайё Розикова, Маъмура Мутаевалар ва яна икки спортчи қиз Наманган муҳандислик педагогика институтига имтиёзли равишда қабул қилиниб, бугунги кунда ўзлари ўқиёт-

Ифтихор

1989-1990 йилларда тузилган қизлар ўртасида 11-16 апрел кунлари Бухоро шаҳрида ўтказилган беллашувда эришган ютуқларини ҳар қанча қониқиб билан тилга олса арзийди. Ўзбекистоннинг барча вилоятлари ва Қорақалпоғистон-

ИСКОВОТЛИК ВОЛЕЙБОЛЧИ ҚИЗЛАР ЯНА ЧЕМПИОН БЎЛИШДИ

зиладиган куч синашув маҳалларида исковотлик полнов голиб чиқса, кўпчилик ажабланмайди. «Ҳа, улар фалончи авлоддан, фалончи полволлардан келиб чиқкан» деб қўйишади. Эндиликда қизлардан спортчилар етишиб чиққан ҳам ҳеч кимни ҳайрон қолдирмади. Дастлаб 26-умумтаълим мактаби қошидаги юқори синф қизлари волейбол жамоаси ташкил қилишди. Жамоа аввалга қишлоқ ва кўшни қишлоқ мактаблари билан куч синашиб юрди. Кейинроқ туман ва вилоят миқёсидаги мусобақаларда иштирок эта бошлашди. Уларнинг кўшни Андижон ва Фарғона вилоятларида номи чиққан волейболчи қизлар жамоаси устидан эришган галабалари «Исковотчи» қизлар номини ёйди. Кейинроқ эса «Исковотчи» жамоаси Тошкентда ўтказилган мамлакат миқё-

дан волейболчи қизлар жамоаси иштирок этган ушбу мусобақада «Исковотчи», айниқса, катта муваффақиятга эришди. Жамоа қизлари ҳар бир учрашувни юксак савияда ўтказиб, галаба нашида-сини сурдилар. Айниқса, Гулчехра Бобохонова, Дилноза Тиркашева, Хуснида Муқаррамова, Ёқутхон Нейматова, Нодира Мадррахимова, Зухра Дехқонова ва бошқалар кўрсатган ўйин яхши таассурот қолдирди. Шу тарихда барча рақибларидан устун келган мактаб жамоаси мамлакат чемпиони деган юксак унвонни кўлга киритди. «Исковотчи» қизларнинг парвози янада юксак бўлишига биз ҳам ишонамиз.

Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ, «Ишонч» мухбири



«Зомин» санаторий-ситибери бекаси Зиёда Аслонова беоморларни табиий усул билан даволашда яхши самарага эришмоқда. Унинг доривор ўсимликлардан тайёрлаган даммалари кишилардаги хасталикларни тезда шифо топтиришга кўмак бермоқда. З.Аслонова Ўзбекистон халқ табиоти академияси аъзоси ҳисобланади. Жонкуяр аёл Зомин тоғларидаги турли-туман шифобахш гиёҳларнинг инсон саломатлиги учун фойдали хусусиятларини билишга қизиқади. У кишилар дардига малҳам бўлишдек эзгу юмушга ҳисса қўйишни ҳаётининг мазмунини деб билади.

Бугунги ҳаётимизни ахборот технологияларисиз тасаввур қилиш қийин. XXI аср — ахборот асри, дея эътироф этилиши бежиз эмас. Аммо ҳамма нарсада меъёр, ўлчов бўлгани мақсадга мувофиқ. Бундай дейишимиз сабаб замонавий интернет тизими ёшлар ҳаётидан кенг ўрин эгаллаб, уларнинг китоб ўқишга қизиқиларига акс таъсир кўрсатмоқда. Бу борада ўтказилган тадқиқотлар шунини кўрсатдики, 35 ёшгача бўлган одамлар-

интернет орқали дунё билан ҳамнафас бўлиб, ҳамма воқеа-ҳодисалардан бохабар бўлиш, вақт тизимини ҳам энг керакли маълумотни бир зумда топиш мумкин. Бу хозирги тезкор ривожланиш суръатларига жуда мос. Бунга амал қилаётган ёшларни фақат қўллаш мумкин. Лекин бу техник жиҳоз бўлган, унда ҳар хил муаммолар пайдо бўлиши ҳам табиий. Айтилик, чироқ ўчиб, ток бўлмаса ундан фойдалана оламизми? Ёки компютернинг бирон бир жойида техник носозлик пайдо бўлса, тизим пайда қанчалик панд беришини ўйлаймизми? Китоб эса бундай хавф-хатардан анча йироқда. Ундан кўнрада, уйда, метро-автотўрларда, куллас, хоҳлаган жойда фойдаланишимиз мумкин. Қанчалик техникавий қулайлик яратилмасин, китобнинг аҳамияти ҳеч қачон йўқолмаслигини тўғри англаб етсақимиз, ўзимизни тўғри тарбиялаган бўламиз. Бу биз учун фақат фойдаланганга ўзга нарса эмас. Гулнора ҚУЛМАТОВА, ТДМИ талабаси

КИТОБ АФЗАЛМИ, ИНТЕРНЕТ?

нинг 60 фоизи интернет ва ҳар хил компютер ўйинлари китоб ўқишдан афзаллигини эътироф этган. 40-фоиз ёшлар эса китобнинг ўрнини ҳеч нарса боса олмайди, дея фикр билдиришган. Китоб инсоният томонидан яратилган буюк кашфиётдир. У орқали биз маънавий озукла оламиз. Китоб тарих ва бугунни, ўзлимизни, кенг фикрлашни ўргатади. Унда бебаҳо хазина, улкан маданият мерос жамланган. Китобсиз яшаш асло мумкин эмас. У бизга ҳаёт йўлимизни белгилаб олишда яқин дўст вазиғасини ўтайди. Китобсиз ёшларга қараган, уларнинг маънавий етуқилигига ҳавасингиз келади. Тўғри,

булиши ҳам табиий. Айтилик, чироқ ўчиб, ток бўлмаса ундан фойдалана оламизми? Ёки компютернинг бирон бир жойида техник носозлик пайдо бўлса, тизим пайда қанчалик панд беришини ўйлаймизми? Китоб эса бундай хавф-хатардан анча йироқда. Ундан кўнрада, уйда, метро-автотўрларда, куллас, хоҳлаган жойда фойдаланишимиз мумкин. Қанчалик техникавий қулайлик яратилмасин, китобнинг аҳамияти ҳеч қачон йўқолмаслигини тўғри англаб етсақимиз, ўзимизни тўғри тарбиялаган бўламиз. Бу биз учун фақат фойдаланганга ўзга нарса эмас. Гулнора ҚУЛМАТОВА, ТДМИ талабаси

ЭНГ ҚИЗИҚАРЛИ ЯРИМ ФИНАЛ ГОЛИБИ ЭНГ ЗЕРИКАРЛИ ЯРИМ ФИНАЛ ГОЛИБИГА ҚАРШИ

Германия яшил майдонларида поёнига етиб бораётган XVIII Жаҳон чемпионати сингловик билан кузатиб бораётган муҳлислар ярим финал бахсларида сўнг, ҳаммаси, беихтиёр бир фикрми баб-баравар такрорлаган бўлсалар керак: гарчанд финал учрашуви 9 июлга бававар такрорлаган ҳақиқий финал ортада қолди. У — Германия ва Италия терма жамоалари ўртасида 4 июл кун бўлиб ўтди.

Дарҳақиқат, ушбу матч мазкур чемпионатда ўйналган энг қизиқарли беллашув сифатида ёқма қоладиغان бўлди. Нақ 120 дақиқа, ҳамма томонидан қўшилган дақиқаларни инobatга олганда, ундан ҳам



нал жуфтлиги — Франция ва Португалия терма жамоаларининг кўпроқ яқиний натижани ўйлаб бизга тақдим этган ўйини соада қилиб кетгандек, лўнда қилиб айтганда, зерикарлик таассурот қолдирди. Вақоланки, ушбу учрашувда ҳам кўплаб юлдузлар тўп сурдишди ва айтиш жоизки, айнан ўшалар ўйин тақдирини ҳал қилишди. Бу 33-дақиқада юз берди. Жароҳати жиддий бўлишига қарамай, жамоа манфаати учунгина турли муолажалар эври билан майдонга тушишга ўзида куч ва ирода топа олган Т.Анрига нисбатан қўлланилган қоидабузарлик учун белгиланган пеналтни команда сардори З.Зидан аниқ бажариб, чорак финалда Лэмпард ва Джерард каби юлдузларнинг зарбасини қайтарган Рикардони тўпни дарвозадан олиб чиқишга мажбур қилди.

Шундай қилиб, финалда икки қўшни — Италия ва Франция жамоалари учрашадиган бўлдилар. Ким голиб чиқади, деган саволга ҳозирча бир нарса дейиш қийин. Ярим финалда намойиш этган ўйинлар нуқтаи назаридан ёндоқилса, гўё М.Липпи шоғирдларининг ошиғи олинчдек.

кўпроқ вақт мобайнида ҳақиқий футбол спектакли намойиш этилди. Агар таъбир жоиз бўлса, муаллифлари Марчела Липпи ва Юрген Клинсманн бўлган сценарий тақдироти гоат юқори савияда ўтди. Шундайки, энди уни ҳар қанча хоҳиш бўлмасин, қайта бу даражада маҳорат ила ижро этишининг иложи йўқ.

Шу кунги ҳар икки жамоа амалда нималарга қодирлигини тўла намойн этишга интилди. Бошқача айтганда, кимнинг ким эканлигига ҳолисанилло баҳо бериш имкони яратиб берилди. Ушбу учрашувда томошабинларнинг кўз ўнгига бир ҳақиқатта аниқлик киритиб олинди — бугунги Италия терма жамоаси Германияга қараганда анча кучли экан. Бу бутун ўйин давомида сезилиб турди ва охири-охирида барча пеналтилар ҳақида фикр-мулоҳазалар билдира бошлаган бир аснода ўз исботини топди. Аввал бурчак тўпи ижро этилган, чиройли комбинация натижаси ўлароқ ҳимоячи Фабио Гроссо, сўнгра эса қарши ҳужум қандай уюштирилиши хусусидаги футбол дарслигидан жой олишга муносиб аниқ зарбадан кейин (муаллиф — Дель Пьеро) таблода 2:0 ҳисоби пайдо бўлди. Голлар бир дақиқа оралиғида, учрашув тугашига бир ярим дақиқа қолганда амалга оширилгани билан ҳам диққатга сазовордир. Бунақаси камдан-кам юз беради. Айниқса, бундай нуфузли мундиалларда. Балки шунинг учунми, иккинчи ярим фи-



Бирок французлар ҳам анойи эмас, сабабини бостириб қўйилган қозонга гуруч солиб, пишириб олишни эплайдиган кўринишади. Аммо бир лекин бор. У ҳам бўлса дарвозабон масаласи. Бартезнинг хурмача қилиқлари панд бериб қўйиши ҳам мумкин. Португаллар уни кечирибди, бироқ айтиликлардан бундай меҳр-муруватни кутиб бўлмайди. Ҳар ҳолда Дель Пьеро, Инзаги, Тотти сингари ҳужумчилардан эҳтиёт бўлишга тўғри келади.

М.ИБРОҲИМОВ

Ishonch
МУАССИС:
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир
Абдуҳолик АБДУРАЗЗОҚОВ
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 035-рақам билан рўйхатга олинган.
IBM компютериде терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2.
Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.
Тиражи: 7540
E-mail: ishonch_doverie4@mail.ru
Буюртма Г— 916

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури — амалда

Мамлакатимизда истиқлол йиллари барча соҳалар сингари санъатта ҳам эътибор ортади. Бунинг биринчи жиъзага санъат коллежи мисолида ҳам қўриш мумкин.

Авваллари четда, кўрмиқс бинода жойлашган ўқув маскани шаҳарнинг қоқ марказида янги, замонавий қилиб қурилган шинам ва кўркам бинога алмаштирилди. Ўқув машғулотлари учун барча шароитлар муҳайё этилди. Шуниси қувончлики, мустақиллик тўғрисидаги ўқув машғулотларида миллий санъатимизни ўргатишга алоҳида эътибор қаратилди. Илгари ўқувчи ҳар ярим йилда бир бора аттестация қилинганда, 4 та синовнинг 3 тасини Фарбий Европа ва рус композиторлари асарлари ташкил этарди. Бу ёшларнинг миллий руҳини ўтмаслаштирибгина қолмай, унинг келгуси иш фаолиятига ҳам салбий таъсир этарди. Эндиликда буларга тўлиқ барфаран берилиб, авваллари ҳатто тушга ҳам кирмаган аънавий ижро йўналишлари — ҳофизлик, қолғу ижрочилиги бўлимлари очилди. Маком, Шашмаком, Фарғона, Тошкент мақомлари

дор. Коллежда спорт билан фаол шугулланиш учун барча шарт-шароитлар яратиб қўйилди. Ёш рассомлар «Баркамол авлод» спорт ўйинларида нафақат мусобақаларда, шунингдек ўз асарлари кўргазмаси билан фаол қатнашиб, иштирокчилар олкишига сазовор бўлмоқдалар. Билим юртида миллий эстрада (чолғу, ҳофизлик), драма актёрлиги, мусиқа назарияси, хор дирижёрлиги, махсус фортепьяно, академик хонандалик сингари янги йўналишлар очилиб, фаолият кўрсатмоқда. Уларга ёшларнинг қизиқиши тобора ортиб бораётгани кишини қувонтиради.

И.ХАСАНОВ

ТОШКЕНТ ГЕОДЕЗИЯ ВА КАРТОГРАФИЯ КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖИ

Топография-геодезия ишлаб чиқариш соҳаси бўйича мутахассислар тайёрловчи ягона ўқув юрти ҳисобланади. Бугунги кунда қуйидаги мутахассисликлар бўйича кадрлар тайёрланмоқда:

- 1. Геоинформацион тизимлар ва картография
- 2. Давлат кадастри
- 3. Геодезия
- 4. Молия
- 5. Аэрофотограмметрия
- 6. Ер тузиш

Ўқиш ўзбек ва рус тилларида олиб борилади. Ҳужжатлар қабул қилиш 20 июндан бошланади. Ўқишга кириш учун қуйидаги ҳужжатлар керак:
Ариза
Умумий ўрта маълумот тўғрисидаги шахардатнома
086-шаклидаги тиббий маълумотнома
3x4 ўлчамдаги 6 та расм
Рухшунос тавсияномаси
Туғилганлиги ҳақидаги маълумотноманинг нусхаси
Доимий яшаш жойидан маълумотнома

Касб-хунар коллежида муваффақиятли таълим олиш учун барча шароитлар мавжуд: моддий-техника базаси, жиҳоз ва ускуналар етарли даражада
Техникавий кутубхона ва кироатхона
Компютер зали
Геоинформатика ва кадастр маркази
Спорт зали
Тантаналар зали
Ўқувчилар турар жойи

Манзил: Тошкент ш. Академик Х.Абдуллаев кўчаси 82-уй
Тел: 60-17-40, 60-17-41, 60-17-42
Автобус: 83, 96, 17. Троллейбус: 18. Трамвай: 6, 13
Маданият институти бекати

Маданият янгиликлари

ТАСВИРГА МУҲРЛАНГАН

«Тошкент фото уйи»да танкиди журналист Дмитрий Михайловнинг хотираси ва таваллудининг 70 йиллигига бағишланган «Менинг ҳамкасбларим ва дўстларим» номли фото-кўргазмаси намойиш этилди. Унинг иккида спорт фотожурналистикасини тўлалигича қамраб олган. Қаҳрамонлари эса дунёда машҳур спорт юлдузлари. Узоқ йиллар силсиласида В.Газзаев, И.Шкварин, М.Қосимов, И.Винер, В.Зарипова, Л.Черязова, Р.Амблатов, М.Сафаров, Е.Кафельников, И.Тулаганова ва бошқаларни тасвирга муҳрлаган. Ҳар қайсииси бир лаҳзада мангуликка битилган. Кўргазмада муаллифининг 130 дан ортиқ ишлари намойиш этилди. Тадбир ўз навбатида унда иштирок этган ёш фотожурналистлар учун сабоқ ва ибрат вазиғасини ўтади. Нигора АБДУЛЛАЕВА

МАФТУНҚОР РАНГЛАР

Навийи шаҳрида «Мафтунқор ранглар дунёси» кўрктанловининг вилот босқичи яқунланди. Унда эзлик нафар истеъдодли ўғил-қиз иштирок этди. Танловда она-Ватанга муҳаббат, табиатга, ҳайвонот ва наботот оламига меҳор, умр-боқий қадриятларимизга ҳурмат руҳи билан сурғорилган ижод намуналари намойиш этилди. Иштирокчилар - жисмоний имкониятлари чеklangан болалар соғлом тенгдошларидан қолшмасликларини яна бир бор исботладилар. (ЎЗА)

Ўзбекистон автомобил, дарё, электр транспорти ва йўл ҳужалиги ҳодимлари касаса уюшма Марказий кенгаши жамоаси тармоқ касаса уюшма Марказий кенгашининг собиқ раиси Ғулможон Жаҳонғирова рафикаси ШОҲИДА аянинг вафот этганлиги муносабати билан чўқур таъзия изҳор этади
Навийи вилояти таълим ва фан ҳодимлари касаса уюшма кенгаши жамоаси Ўзбекистон таълим ва фан ҳодимлари касаса уюшма Марказий кенгашининг молиявий ишлар бўлими мудири Абдурашид Абдувоҳидова турмуш ўртоғи ШОҲИДА АБДУВОҲИДОВАнинг вафот этганлиги муносабати билан чўқур таъзия изҳор этади.

Бизга қўнғирок қилинг:
Котибият 153-52-78;
Хатлар бўлими 153-85-43;
Касаба уюшмалари ҳаёти бўлими 153-87-63
«Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Газета ҳафтанинг сешанба, чоршанба, жума ва шанба кунлари чиқади.
Бизнинг манзил: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй.
Нашр кўрсаткичи: 133; 134
Набатчи котиб - А.Алламурад
Набатчи муҳаррир - А.Қодирова
Мусахҳач - Д.Қомолов
Набатчи - Т.Шернаев
Саҳифаловчи-дизайнер: З.Бакиров ва Ю.Михайловский
Босишга топшириш вақти - 21.00.
Топширишда - 23.50